

## БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ҚАЛАМИГА МАНСУБ АСАРЛАР

*Икромов Шерислом Хидоятулло ўғли*

*Имом Бухорий номидаги Тошкент  
ислом институти 4- курс талабаси*

**Аннотация (Ўзбек тилида):** Ушбу мақолада ислом фикҳи тарихида алоҳида ўрин тутадиган буюк муҳаддис ва фақиҳ — Имом Бурҳониддин ал-Марғиноний қаламига мансуб асарлар таҳлил қилинади. Асосий эътибор у зотнинг машҳур “ал-Хидоя” асари ҳамда бошқа 11 та фикҳий ва илмий меросларига қаратилган. Асарлар мазмуни, уларнинг фикҳий аҳамияти, манбалар асосида ёзилиши, қўлёзма нусхалари ва уларнинг тарқалиш жойлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Марғинонийнинг илм оламида тутган ўрни ва фикҳий мероси илмий таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** Бурҳониддин Марғиноний, ал-Хидоя, фикҳ, ханафий мазҳаби, ислом хуқуки, асарлар таҳлили, манбалар, қўлёзмалар.

يتناول هذا المقال تحليلًا لأعمال الإمام برهان الدين المرغيناني، أحد أعلام الفقه (أраб التiliida):  
الحنفي في التاريخ الإسلامي، مع التركيز على كتابه الشهير "الهداية" و 11 مؤلفاً آخر له في الفقه الإسلامي. يسلط الضوء على محتوى هذه المؤلفات، وأهميتها الفقهية، ومصادرها، والمخطوطات المتبقية منها، بالإضافة إلى أماكن حفظها وانتشارها. كما يناقش المقال مكانة المرغيناني في عالم العلوم الإسلامية وإسهاماته في الفقه.

الكلمات المفتاحية: برهان الدين المرغيناني، الهدایة، الفقه، المذهب الحنفي، الشريعة الإسلامية، تحليل المؤلفات، المصادر، المخطوطات.

**Аннотация (Рус тилида):** В данной статье рассматриваются труды выдающегося исламского ученого, фахиша и хадисоведа имама Бурхануддина аль-Маргинани. Особое внимание уделено его знаменитому труду «Аль-Хидая», а также 11 другим научно-фаховским произведениям. Проанализировано содержание книг, их фаховое значение, источники, наличие рукописей и места их хранения. Также раскрывается вклад Маргинаани в развитие исламского права и его роль в истории науки.

**Ключевые слова:** Бурхануддин Маргинаани, Аль-Хидая, фикх, ханафитский мазхаб, исламское право, анализ трудов, источники, рукописи.

Бурҳониддин Ал-Марғинонийнинг асарлари ва у кишининг бебаҳо китоблари борасида Ҳатиб Бағдодий “Ҳадиятул орифийн” асарида 10 асаринининг номини келтирган ва бундан бошқа асарлари ҳам ёзганини айтган. Соид Бектош Имом Марғинонийнинг қуидаги 12 асарини зикр қилган<sup>1</sup>:

<sup>1</sup> “Хидоя шархи” китоби-Тошкент: Ҳилол нашр нашриёти, 2023-Б.114

## 1. «Бидоятул мубтадий».

Имом Бурхониддин Марғиноний мазкур фикҳий матн асарини Имом Қудурийнинг “Мұхтасарул Қудурий” китоби ва Имом Мұҳаммаднинг “ал-Жомеъ ас-сағир” китоблари асосида ёзган. Бу асаридағи фикҳий масаларини Имом Сирожиддин Абу Бакр ибн Алий ибн Мусо Хомилий (вф. 769/1368 й.) «Дүррул муҳтадий ва зухрул муқтадий фи назми бидоятил мубтадий» номли асарида назм билан баён қылған. Имом Сирожиддин Хомилий мазкур манзумасининг охирига мерос масалаларига оид ўзта байтни ҳам киритған, чунки «Бидоятул мубтадий» асарида мерос масалалари баён қилинмаган.

Бу асар Кувайт, Германия, Голландия, Англия, АҚШ, Тунис, Ирек, Миср, Ҳиндистон, Ирландия каби давлатларнинг қўлёзма фондларида 40 ортиқ қўлёзма нусхалари сақланади.

## 2. «Ат-Тажнис вал-мазид ва ҳува ли аҳлил фатво ғайру баид».

Мазкур китоб ҳанафий мазҳаби бўйича ёзилған фатво асаридир. Унда мазҳаб ҳанафий уламолар истинбот қылған хос фикҳий масалалар жамланган бўлиб, бу масалалар борасида мутақаддим ҳанафий уламолардан бирор нақл келмаган. Алломанинг мазкур асарни ёзишдан мақсади устози Имом Садруш-шахид Умар ибн Абдулазиз бошлаган ишни охирига етказиш бўлған. Имом Садруш-шахид мутааххир ҳанафий уламоларнинг китобларидан мутақаддим олимлардан нақл қилинмаган фикҳий масалаларни жамлашни бошлайди, лекин охирига етмасидан вафот этади. Кейин Имом Мұҳом Марғиноний мазкур асарда ушбу масалаларни жамлайди.

Имом Бурхониддин Марғонийнинг «Ат-Тажнис вал-мазид» асарининг муқаддимасида ундаги фикҳий масалаларнинг манбаларини зикр қилиб, ҳар бир китобга битта ёки иккита ҳарф билан ишора қылған. «Ат-Тажнис вал-мазид» асари 28 та китоб (фикҳий мавзулар мажмуаси), 217 та боб ва 182 та фаслдан иборат. Мазкур асар «Илм» боби билан бошланған. Унинг ортидан «Тахорат», «Намоз», «Закот», «Рўза», «Ҳаж» каби боблар зикр қилинганд. Имом Бурхониддин Марғоний мазкур асарини «Ҳидоя» китобидан олдин ёзган. Чунки “Ҳидоя” асарининг 2 ўрнида ушбу китобини зикр қылған. Мазкур асарнинг аввалидан «Ҳаж» китобининг охиригча бўлған қисмида 1357 та фикҳий масала зикр қилинганд.

«Ат-Тажнис вал-мазид» асари қўлёзма нусхалари Ирландия, Қувайт, Туркия, Тунис, Миср, Ҳиндистон давлатлари қўлёзма фондларида сақланади.

## 3. «АЗ-Зиёдот».

Имом Бурхониддин Марғонийнинг таржима ҳолларида баён қилинишича уламолардан бирортаси ушбу асарни Марғинонийга нисбат бермаган. Лекин Имом Марғинонийнинг ўзи «Ҳидоя» асарининг бир неча ўрнида «АЗ-Зиёдот» асарини ўзи ёзганини зикр этган. Жумладан, «Жиноятлар» китобида «Мамлукнинг жинояти» бобида ва «Даъволар» китобининг «Бобу ма яддайихи» бобида бу ҳақда зикр қылған.

#### 4. «Шарҳул жомеъ ал-қабир».

Бу китоб Имом Мұхаммадрохматуллохи алайхинг «ал-Жомеъ ал-қабир»и асарига шарҳидир. Ҳожи Халифа ва Бағдодий имомнинг шу номли китоб ёзганини зикр қилган.<sup>2</sup>

#### 5. “Уддатун носик фи иддатим минал маносик”.

Имом Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида ушбу китобни мазкур ном билан зикр қилган. Бу китоб ал-Биноя асарида “Уддатун носик фи иддатим маносик”, “Кашфуз-зунун”да “Уддатун носик фил маносик”, “Ҳадиятул орифин”да “Маносикул ҳаж”деган номлар билан зикр қилинган. Мазкур асар ҳаж ибодатларига доир фикхий масалаларга бағищланган.

#### 6. “Фароизул Усмоний”.

Баъзи манбаларда “Китабул фароиз” номи билан зикр қилинган. Мазкур асарнинг ёзилиш сабаби ҳақида айтиладики, Имом Бурхониддин Марғинонийнинг Усмон исмли устози фароиз масалалари бўйича китоб ёzádi, лекин охирига етказмасдан вафот этади. Кейин имом Марғиноний устозининг ишини охирига етказади ва баъзи жойларини тўғирлаб, устози ажр-савоблардан баҳраманд бўлиши умидида мазкур ном билан номлайди. Бу асарга кейинчалик давр уламолари томонидан бир қанча шарҳлар ёзилади.

#### 7. «Кифоятул муңтаҳий фи шарҳи бидоятил мубтади».

Бу асар “Бидяотул мубтадий”га Имом Бурхониддин Марғиноний ёзган биринчи шарҳ ҳисобланади. Марғиноний “Ҳидоя” асарининг 20 дан ўринда “Кифоятул муңтаҳий”га ҳавола қилган. Бадриддин Айний ва Ҳожи Халифаларнинг айтиши бўйича, бу асар бугунги кунимизгача етиб келмаган. Тошқўпризода “Мифтоҳуссаода” асарида келтиришича, мазкур асар 80 жилдан иборат бўлган.

#### 8. «Мухтаротун-навозил».

Бу асар ўзида барча фикхий мавзуларни жамлаган, лекин “ал-Ҳидоя” асарига нисбатан мухтасар ҳисобланади. Нашр этилган нусхаларда муаллифнинг муқаддимаси зикр қилинмаган. Бу асарда муаллиф кўпроқ Имом Молик ва Имом Шофеъийнинг ихтилоғли қарашларини зикр қилиб келтиради. Мазкур китобда фатволар ва фикхий масалалар баён қилинган.

“Мухтаротун-навозил” асарининг юзлаб қўлёзма нусхалари Миср, Саудия Арабистони, Кувайт, БАА, Тунис, Россия, Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сакланмоқда.

#### 9. “Муъжаму шуюхил Марғиноний”.

Мазкур асар баъзи манбаларда “Китабул машийха” номи билан ҳам зикр қилинган. Муаллиф мазкур асарда таълим олган ва ҳадис ривоят қилган устозларининг исмларини ёзган.

<sup>2</sup> Ҳожи Халифа. “Кашфуз-зунун”-Истанбул: Ваколатул маориф, 1997-Ж. 1-Б. 238

## 10. “Мунтақол марфуъ”.

Мазкур асар борасида манбаларда бирор-бир аниқ маълумот учрамаса-да, Ҳожи Халифа: “Бу асарнинг муаллифи Имом Бурҳониддин Марғиноний бўлиши мумкин”, дейди.

## 11. “Нашрул мазҳаб”.

Алломанинг таржимаи ҳолларини зикр қилган олимлар мазкур асарни ёзганлигини айтишган. Лекин бу асарда қандай масалалар баён қилингани тўғрисида маълумот учрамайди.

## 12. “ал-Ҳидоя шарху бидоятил мубтади”.

Имом Бурҳониддин Марғинонийнинг энг машҳур шоҳ асаридир. Бу асар 4 жилдан иборат бўлиб, ҳозирги кунда 200 дан ортиқ қўлёзма нусхалари бугунги кунда дунёнинг кўплаб қўлёзма фондларида, жумладан, Кувайт, Тунис, Саудия Арабистони, БАА, Сурия, Қатар, Германия, Австрия, Голландия, Франция, Англия, АҚШ ва бошқа давлатлар қўлёзма архивларида сақланиб келмоқда.<sup>3</sup>

Ҳидоя асарини ёзишда алломанинг 13 йиллик ҳаётини қамраб олди. Бу асарни ёзилиш тарихи ва ёзишдан мақсадини қуида баён қиласиз.

Аллома "Бидоятул-мубтадий"ни Абдулҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурийнинг "Ал-мухтасар" (илм аҳли орасида "Ал-Қудурий" деб шухрат қозонган) китоби ва Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг "Ал-Жомиъ ас-сағиyr" асарига асосланиб, қисқартирилган фикҳ китоби сифатида ёзган. Ундаги масалаларни тартибга солишда табаррук бўлсин деб, аш-Шайбоний услубидан фойдаланган. У "Бидоятул-мубтадий" муқаддимасида бундай деб ёзган эди: "Ёшлик чоғларимда фикҳ илмининг барча турларини ўз ичига қамраб олган ҳажми кичик, режаси кенг бир китоб бўлса, деб ўйлаб юардим. Иттифоқан йўлларни босиб ўтиш (сафар) жараёнида, Ал-Қудурий қаламига мансуб "Ал-Муҳтасар"ни энг гўзал, мўжаз, ажойиб китобдеб топдим. Яна, замоннинг барча буюк олимлари, катта-кичикни "Ал-Жомиъ ас-сағиyr" китобини ўрганишга чорлаганликларининг гувоҳи бўлдим. Ўшанда ҳар иккала асарни бирлаштиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйиб, зарурат сезилмаганда улар чегарасидан чиқмасликка қарор қилдим ва уни "Бидоятул-мубтадий" (Бошловчининг бошланғич китоби) деб атадим. Агар бу асарни шарҳлашга эришсам, уни "Кифоятул-мунтаҳий" деб атагумдур".<sup>4</sup>

Муаллиф "Бидоятул-мубтадий"муқаддимасида уни шарҳ қилиш ниятида эканлигини айтади. Буни амалга ошириш мақсадида, асарнинг ниҳоясида қисқалигини назарда тутган ҳолда, унинг устидан 8 жилдлик катта шарҳёзиб, уни "Кифоятул-мунтаҳий" (Яқунловчиларни қониқтирувчи китоб) деб атади.

<sup>3</sup> Қориев О.А. “Фарғона фикҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний”. –Тошкент, “Фан”, 2009.-Б.203-209.

<sup>4</sup> Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. “Ал-фавоид ал-баҳияти тарожимил ҳанафия”-Байрут: Дорул маърифа, 2014-Б.57

Муаллиф "Кифоятул-мунтахий" номли шарҳни ёзиш билан ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмади.

Негаки, кўп жилдлик катта ҳажмли шарҳни ўқиб, унинг ичидан керакли масалани топиб олиш ва шундай катта китобни кўтариб олиб юриш, илм толиблар учун қийинчиликлар туғдиради. Натижада, муаллиф ўз нияти ва дўстлари маслаҳатига биноан, "Бидоятул-Мубтадий"ни қайта ўртacha ҳажмда шарҳлашга киришади. Бу асарни ёзиш муаллиф учун осон кечмади. Муаллиф асарни ёзиш учун ўзининг бутун кучи ва истеъодидини намоён қилди.

Абдулҳай Лакнавий манбаларга таяниб ёзишича: "У асарни ёзиш давомида рўза тутарди. Унга олиб келинган таомни шогирдлари ёки бошқа бирон кишига берарди. Шу тарзда, у бошқаларга билдирамай рўза тутаверарди". Чунки рўза инсонга руҳий куч бағишлайди ва фикрини жамлашга ёрдам беради.

Нега тўрт жилдан иборат иккинчи шарҳни ёзиш бир мунча оғир кечди? Нега уни битказиши учун 13 йиллик катта меҳнат сарфланди. Фикримизча, унинг сабаблари қўйдагилардан иборат екан:

Биринчидан: Бу асарда Имом Муҳаммад аш-Шайбоний ва ал-Қудурий асарларидан олинган, "Бидоятул-мубтадий"га киритилган асосий ҳуқуқий минглаб фаръий (жузъий) масалалар мавжуд эди. Улар орасида халқнинг амалий ҳаётига боғлиқ, ўз ечимини топмаган кўплаб муаммолар ҳам бор эди. Шу нуқтаи назардан ўша даврнинг ўзгарувчан шароитини синчиклаб ўрганиш, биринчи даражали муаммоларни иккинчи даражали муаммолардан ажратиб олиб, уларни ечиш йўлларини белгилаб бериш, муаллифдан катта диққат эътибор, ҳар тамонлама текшириш ва чуқур кузатишларни талаб қиласди.

Иккинчидан: Бурҳониддин Марғиноний фиқҳ илми босиб ўтган олти давр (Пайғамбар, саҳобалар, тобеинлар, мужтаҳидлар, мухаррижийлар ва муқаллид (тақлид этувчи)лар даврлари) нинг бешинчи босқичи бўлмиш Мухаррижлар (улардан илгар ўтган мужтаҳидлар ва буюк ҳуқуқшунос олимлар асарларига мурожаат қилиш орқали, мазҳаб доирасида янги топилган мураккаб ҳуқуқий муоммоларни ечиш йўлларини топувчилар) даврида яшагани учун, тўғридан-тўғри эркин ижтиход қилиш ваколотига эга эмас эди. Чунки, IV ҳижрий аср бошларида (мелодий X асрда) ислом ҳуқуқи бўйича барча фаолият, буюк олимлар томонидан белгилаб берилган асосий қонун қоидаларни изоҳлаш, тафсир этиш соҳасида бўлиши керак, деган назария мавжуд эди. Лекин, Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий ўзининг машҳур "Ал-Фавъид ал-баҳия" асарида ҳанафий мазҳаби олимларини олти гурухга бўлиб, Бурҳониддин Марғиноний ва Ал-Қудурийни "Асҳабут-таржих" (яъни, баъзи ривоятларни баъзиларидан устун кўриш) салоҳиятига эга олимлар қаторида зикр этган.

Мазкур шароитда Бурҳониддин Марғиноний олдида турли муаллифлар томонидан ёзилган кўп фатволар (ҳуқуқий мажмуалар) бор эди. Уларда минглаб

масалалар, айрим муайян муаммолар бўйича ўнлаб муроҳазалар, ҳатто бир-бирига қарама-карши назарияларҳам мавжуд эди. Муаллиф назарда тутган ҳуқуқий масалани ёритиш учун, биринчидан, шариатнинг асосий манбалари, ундан кейин Абу Ҳанифа (р.а), Имом Молик, Имом Шофеийнинг асарлари, аш-Шайбонийнинг “Зоҳирур-ривоя”деб аталган китоблари, Абу Юсуфнинг “Китобул-хирож”, “Адабул-қози”, “Абу Ҳанифа (р.а) ва Ибн Абулайло орасидаги ихтилофлар”, “Авзой ва Анас ибн Моликнинг айрим ҳуқуқий масалалар бўйича билдирган фикрларига ёзилган раддия”китоблари, имом Зуфар, Шайхул-ислом Ибн Таймия, Ибнул-Жавзия асарлари, шунингдек, улардан кейин ислом ҳуқуқининг турли соҳаларига оид сонсаноқсиз китоб ва тўпламларни ўқиб чиқиб, уларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни бир-бири билан солишириб, энг тўғри, энг маъқул ва ҳётга мос келадиган хуносаларни чиқариши керак эди.

Бу ҳақда унинг ўзи “Ҳидоя” муқаддимасида: “... сўнгра Тангри тавфиқи ёрдамида, танланган ривоятлар билан кучли ақлий далилларни уйғулаштириб, ҳар бир бобда ортиқча сўзларни тарқ этиб, кўп ёзишдан ўзимни тийган ҳолда, “Ал-Ҳидоя”-деб аталган бошқа бир шарҳни ёзишга киришдим” - деб таъкидлаб ўтган.

Албатта, энг ҳаётий ва зарурий ривоятларни танлаб олиб, уларнинг тўғрилигини нақлий далиллар билан исботлаб, ақлий далиллар билан мустаҳкамлаш, мумтоз асарларнинг матн ва мазмунига чукур кириб бориб, уларнинг ҳуқуқий асарларини белгилаб олиш катта меҳнат ва изчил изланишни талаб қиласди.

«Ал-Ҳидоя» муаллифи ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ёритиш жараёнида саҳобалар, мазҳаблар асосчилари, буюк фақиҳлар исмлари, жўғрофий ва тарихий жойлар, турли тоифа ва қабила номларини зикр этади. Абдулҳай Лакнавий ўз муқаддимасида «Ал-Ҳидоя»нинг биринчи қисмида зикр этилган саҳобалар ва тобеинларнинг исмлари 50 дан зиёд, тоифа ва уруғлар номлари 12 та, жўғрофий ва тарихий жойлар номи 55 та эканлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида қи сқача маълумот бериб ўтган. У Марғиноний асарида келган 90дан ортиқ буюк фақиҳлар, имомлар, мужтаҳидлар, жумладан, машҳур саҳобалар ва муҳаддислар исмларини ҳамда, уларга тегишли бўлган маълумотларни зикр этади. Шунга асосан “Ҳидоя” муаллифининг иши қанчалик оғир ва кенг қамровли эканини тушуниш қийин эмас.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бурҳониддин Марғиноний. “Ҳидоя”. Масъул муҳаррирлар А.Сайдов, М.Нуриддинов. Тошкент: “Адолат”, 2000 йил.
2. Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр Бурҳониддин Марғиноний. “ал-Ҳидоя” асари.
3. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Муса ибн Аҳмад ибн Ҳусайн. Бадриддин ал-Айний ал-Ҳанафий. “Баноя шарҳ ал-Ҳидоя” Байрут дару кутуби илмийя. 2000 й.
4. Аллома Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Муҳаммад аз-Зайлаъий”. “Насб ур-Роя ли аҳадиси ал-Ҳидоя” Байрут дару кутуби илмийя. 2000 й.

5. Камолиддин Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ва Жалолиддин ал-Хоразимий. “Фатхул қодир манбаа ал-Кифоя” Покистон Мактабати рошидийя
6. Абдулҳай Лакнавий Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя муқаддимаси билан. Лакну, Ҳиндистон: “Асаҳхул-матобиъ”, 1304 ҳ.й.
7. Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Иброҳим аш-Шоший. “Усулуш Шоший” (Шоший усуллари), Дехли: “Алимий” нашриёти, 1935 йил.
8. Интернет маълумотлари:[www. TII.uz](http://www.TII.uz) сайти.
9. Интернет маълумотлари:[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) сайти.